

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



2000-СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ МУБОРАК БЎЛСИН...

"Инсон ҳар бир ўтган дамига шукр қилиб яшаши керак"...

"Ниятни яхши қилиб, яхши ишларга бош қўшиб, яхши сўзингни айтиб юрсанг, Олло таолло насибатни зиёда қўлаверади"...

"Бу дунёнинг ялтираб қўринган ҳар нарчасига, гўзал кўринган ҳар бандасига қаттиқ меҳр боғлама экан, худонинг рашики келаркан"...

Бувимнинг эртақлари дostonлар билан, шеърлари аллалар билан бирга гўдаклизмданок қулгомга қўйилиб келган ўғиту насихатлари ҳамон худдики ҳозир айтилатгандек мен учун охорини сира-сира йўқотмаган.

Инсон умри ўз изн-ихтиёрини Вақт аталмиш сеҳрли қудратта топширганча ўтавераркан, ўтавераркан. Лекин болаликда қулгоинга қўйилган, дилингдан жой олган ўғиту насихатлар сени тарк этмаскан, ҳаёт денгизиде худдики йўлчи юлдуздек йўлингни ёритиб туравераркан. У бир хазина эканки, ундан куч оларкансан, ундан нур оларкансан. Яна бу умр деганлари шундай сир-синаотга эга эканки, унинг маълум бир нуқтасига келиб шу пайтгача ҳаёт ҳақида билганларинг, англаганларингни ўзгаларга ҳам билдириш, англашти заруратини ҳис этаркансан. Қизиқ бир ҳолат бу. Ҳар бир одам ана шу амали билан ихтиёрий ва ё ихтиёрсиз равишда ҳаёт абадиятини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади...

Шу зайдда абадий ҳаёт чархпалаги бир бошдан қайта-қайта айлана-

вераркан... Аслида ҳам инсон ҳаётининг асос-мазмуни шундан иборат, сендан олдин яшаб ўтганлардан, сендан кейин яшаганлардан ўрганасан, сендан кейин келаятганлар, хали келадиганларга ўргатасан...

Мен аслида ўтаётган, тарихга айланаятган "Аёллар йили" билан хайр-хўшлашмоқ, қошимизга ошиқиб келаятган "Соғлом авлод йили"дан қутлаётган эзуликлар, рўшноликлар ҳақида сўз юритмоқчидим... Гапни ҳаётнинг абадий фалсафасидан бошлаб асосий максаддан чалғиб кетмадиммикан? Йўқ... Ахир, биз қўнча Туронзамин фарзандларимиз. Бизнинг бу юрдада қадимдан инсоннинг кадр-қиммати унинг инсонийлиги билан белгиланган. Инсоннинг инсонийлиги қандай сифатлардан таркиб топади? У болапарвар... У тинчликпарвар... У элпарвар... У ватанпарвар...

Биз мана шундай олий сифатларга эга халқ эканлигимиз билан фахрланамиз, бу фахру ифтихор тўғриси келажак авлодларимизга ҳам юктиришимиз лозим. Демак, бу мақолани бежизга бувим айтган ўғитлардан бошламаган эканман. Бизнинг ҳар бир кунимиз, ўтаётган ҳар лаҳзамиз яхшиликка хизмат қилсин, яхшиликни барқарор этсин. Шунини унутмайликки, чархпалак мисол айланаётган бу умримиз улчоғлик, имкони борича бизга ота-боболардан мерос инсоний амалларимизни адо этишга улғуриб қолайлик, Президентимиз айтганларидек, фарзандларимизга "Биздан озод ва обод юрт" қолсин...

Ўтаётган ва келаятган йил арафасида кўнгилдан яна нималар кечади? "Аёллар йили" гарчанд бошимизга ғам-ташвишли,

хархашали савдо-синаотларни ёғдирган бўлса-да, Ўзбекистонимиз учун, ҳар биримизнинг ҳаётимиз учун файзли ва хосиятли келди.

Энг муҳими Аёл қадри, қадди, кўнгли юксалиши йўлида давлатимиз микёсида махсус Дастур қабул қилинди. Мазкур Давлат дастури унда - аёл-она ҳаётининг барча жиҳатлари қамраб олингани, хотин-қизларнинг соғлиги, гўзаллиги, инсон сифатидаги қадр-қимматини ҳимоялашни кўзда тутиши билан аҳамиятли бўлди.

Бунда айниқса, газетамиз муассисларидан бири-Республика Хотин-қизлар кўмитаси, унинг юзлаб фаоллари ташаббускорлиги, фидокорлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ўзбекистон хотин-қизлари бундай эътибор, ғамхўрлик, меҳрибонликлар бошида нурли қиёфаси, ҳаётий аёмолларида халқимизнинг энг афзал хислати фазилатлари ўз тақомилни топган юртбошимиз Ислам Каримов турганликларини дилдан ҳис этишади. Президентимизнинг "Аёлларни, оналарни асраш керак дегани бу фарзандларни асраш, наслини асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир", деган сўзлари ҳар бир аёлнинг рўҳига руҳ, кучига куч қўшади.

Инсон табиятан шундайки, у фақат бугунги куни билан яшамайди. У ерга ниҳол қадаркан, фарзанд ўстираркан, иморат деворини тикларкан эртани ўйлайди, эртани кўзлайди, эртадан умид қилади. Бу яхши ҳусусият. Бу ҳаётбахш тилак-мақсад... Ватанимиз истиқболи, тараққиётини бугунги болажонларимиз, ёш-

ҲАЗРАТИ ИНСОННИНГ 90-ЙИЛЛАР АВЛОДИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўн тўрт нафар ота-онасиз қолган болаларни ўз тарбияларига олиб, оқ ювиб, оқ тараган темирчи Шоаҳмад ота Шоаҳмудовлар оиласи довуғини бутун дунё билади. Бу Ҳазрати Инсон қўлида ўсган фарзандлар бугунги кунда ҳаётда ўз ўринларини топиб, ували-жували, куда-андала бўлиб кетишган.

Мана бу суратда Ота сулоласининг 90-йиллар авлоди вакиллари: қудалар Ҳабиба ФАЙЗИЕВА билан Санобар ШЕРМАТОВА, уларнинг келини ва куёви - Исроил Шерматов, Дилфуза Шерматова ҳамда набиралари - Дилноза, Диёра, Фарангиз (бешикда)ни кўриб турибсиз.

- Дилноза билан Диёра иқтидорли болалар мактабиде ўқийди, - дейди фахр билан Ҳабиба опа. - Президентимизга минг бора раҳмат: болаларимиз биздан кўра бахтли, ақлли, зукко бўлсин дедилар. Бу барча ота-онанинг кўнглидаги, юрагидаги гап. Юртбошимиз ҳам барчамизни отамиз-да! 2000-йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилганлигининг ўзиёқ чинаккам оталик.

- Катта бўлсанглар ким бўлмоқчисизлар? - сўрадик Дилноза ва Диёрадан.

- Соғлом аждоднинг соғлом авлоди! - жавоб қилди улар.

ларимиз бунёд этишади. Президентимизнинг яна бир ўғитлари шундай: "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади"... 2000 йил Ватанимизда Президентимиз томонидан "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинди. Бу хайрли ишларнинг давомидир. Президентимиз шу муносабат билан халқимизнинг урта ҳаётий мақсад-интилишини эслатиб ўтди — соғлом ва оқил фарзандлар тарбиялаб ўстириш; оиласи ва фарзандлари учун иморат қуриш; яхши ниятни дилга жо қилиб ниҳол экиш...

Соғлом авлодни тарбиялаб ўстириш гоёта маъсуллати вазифадир. Шу билан бирга инсонпарвар сиёсатдир. Оилада, жамоада, мамлакатда соғлом мухитни барқарор этиш, вужуд соғ-саломатлиги, руҳий соғломлик, маънавий соғломлик...

"Соғлом авлод йили" неча ёшда ва ё ким бўлмайлик ҳар биримизнинг олдимизга ўзига хос вазифарлар қўяди, ўз-ўзимиз учун, ўз оиламиз-яқинларимиз, маҳаллаю жамоамиз, мамлакатимиз учун жавобгарликка, маъсулликка чорлайди.

Хуллас, 2000 йилдаги мақсад-тилақларимиз ана шундай улғу, ана шундай эзгудир. Бу йилдаги улғу ва қўл-қўл ниятлар ижобати йўлида ҳаммамизга муваффақиятлар ёр бўлсин...

Янги йилнинг муבורак бўлсин азиз юртдошлар!

Дилбар САЙДОВА

ЮРТБОШИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ, ВАТАНДОШЛАР!

Самарқанд шаҳри, Сиеб туманидаги 21-ўрта мактабнинг собик директори, 87 ёшли меҳнат фахрийи Халим ота Абдурахмонов сўзидан:

- Халқимиз Президентимизни юртимизнинг энг фидоий инсонимисан деб қўради. Чунки, бу муҳтарам зотнинг дастурида белгиланган режалар мамлакатимиз келажагининг нақадар теран англай олишидан далолат беради. Дастурнинг биринчи устувор вазифасида халқ фаровонлиги кўзлашиб, аҳоли турмуш даражасини кўтариш йўллари кўрсатиб берилган.

Бутун воқеликни чуқур англаган Юртбошимиз ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш - сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга бориб тақалишини ёрқин мисолларда далиллаб бера олди. Масалан, дастурнинг бир жойига эътибор беринг: "Демократиямизнинг энг муҳим тамойили - бу одамлар-

нинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит яратиш беришдир."

Бугунги кунда фуқароларнинг онги, дунёқарши ва фикрлаш даражаси ўзгараётганлиги - эзгу мақсадларимиз йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз самарасидир. Худди шу нуқтаи-назардан Президентимиз Ислому Каримов дастурида фуқаро маънавияти ва овоз шахни шакллантириш - долзарб вазифа қилиб қўйилган.

Юртбошимиз дастурига кадрлар масаласи билан боғлиқ вазифаларнинг киритилгани ҳам айни муддаодир. Зеро, мамлакатимиз келажаги ҳар томонлама етук мутахассисларга, ўз соҳасининг билимдонларига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари аҳоли тинчлиги, тотувлиги ва чегараларимиз мустақамлигига мустақиллигимиз-

нинг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор билан қаради. Чунки, ҳонадонимиз тинч бўлмас экан, ишимизда барака ҳам бўлмайди. Демак, юртимизга Ислому Абдуғаниевичдек инсон раҳбарлик қилар экан, республикамизда бундан кейин ҳам ошайишталик ҳукм суравереди. Шу боиски, Президент деганда даставвал тинчлик, барқарорлик ёдимизга келади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимиз олдимизга қўйилган улуғвор ишлар ва катта режаларнинг рўйбга чиқиши йўл-йўриқларини ҳам кўрсатиб беради.

Хуллас, йўлбошимиз юртимиз тараққоти туришининг ўзиёқ биз учун катта бахт. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: Республикаимизни саккиз йил ичида оёққа тургазиш ўз-ўзидан бўлди, дейсизми? Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришишида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишида, маънавий кадрларимизнинг тик-

ланишида, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори ортиб боришида Ислому Каримов хизматлари бекиёсдир.

Давлатимиз раҳбарининг яқиндагина "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратadbирлар дастури тўғрисида"ги Қарорга имзо чекишининг ўзиёқ биз нурунийларга ғамхўрликнинг яна бир ёрқин исботидир. Бу - ёшларга ўз ҳаётий тажрибаси ва меҳнати билан ибрат бўлаётган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган нурунийларни ижтимоий ҳимоялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтараётганидан далолатдир.

Шундай экан, мен бир кекса педагог - Ислому Абдуғаниевич тахсил олган мактабнинг собик директори сифатида чексиз фахрланаман ва Президент сайловида барча ватандошларимизни мустақил давлатимизнинг овоз ва обод келажаги учун ана шу фидоий номзодга яқдил овоз беришларига қақираман.

**Сўз матнини нашрга
Номоз САЪДУЛЛАЕВ
тайёрлади**

НИЯТИ УЛУҒНИНГ МАРТАБАСИ ҲАМ УЛУҒ

Юртбошимиз ҳар гал: фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно, ақли ва албатта бахтли бўлишлари керак, дейдилар. Бу гапнинг маъзига Президентимизнинг Қашқадарё сайловчилари билан бўлган учрашувда Мирзо Улуғбек бобомизнинг ёшлиги билан боғлиқ бир тарихий ҳикоясидан сўнг етдим. Тўғриси, у киши айтганидек Мирзо Улуғбекнинг асли исми Муҳаммад бўлганини ҳамма ҳам билавермаган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур уни доимо "Улуғим" деб эркалагани учун Муҳаммад исми Улуғбекка айланиб кетган экан. Демак, Темурдек ҳазрат бобомиз ҳам ўз авлодини ўзидан баланд кўрган ва мендан ҳам улуғроқ бўлсин, деб ният қилган эканлар. Президентимиз ҳам ана шу ниятда доимо биз ёшларни эъзозлаб, билимли, кучли, доно, ақли ва албатта бахтли бўлишимизни орзу қилиши сабаби шунда экан. Нияти улугунинг - мартабаси ҳам улуг, дейдилар. Мана шундай орзули буюк Инсонга овоз берганим бўлсин!

**Муҳиддин КАЛОНОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалигини
ирригациялаш ва механизациялаш
институтини талабаси**

АЁЛНИНГ ОИЛА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури"нинг тегишли бандларини бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилояти хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти ҳақидаги масала муҳокама этилиб қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Раёсатининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Раёсатнинг 2000 йил 1-ярим йиллик иш режаси тасдиқланди ва белгиланган масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси пленуми ва раёсат йиғилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ф. ТОХИРОВА

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Йил сайин ўсаётган, танилаётган ва кенг тарқалаётган сеvimли газетангиз "Оила ва жамият"ни мунтазам ўқиб юринг ва унга обуна бўлинг, азиз муштариёлар!

Газетамизга обуна уч ойлик, олти ойлик ва бир йиллик муддатларга бутун йил бўйи давом этади.

Баҳоси яқка тартибда обуна бўлувчилар учун

**бир йилга 4000 сўм,
олти ойга 2000 сўм,
уч ойга 1000 сўм.**

Бизнинг индекс: 176

Меҳнат жамоалари учун обуна баҳоси ва индекс рақами (177) алоҳида. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, газетанинг обуна баҳоси (инфляция ёки индексациядан қатъий назар) йил охирига қадар бир нархда сақлаб қолинади.



● "Фидокорлар" Миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод — Ислому Каримов Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

● Халқ демократик партиясидан

Ўзбекистон Президентлигига номзод - Абдулҳафиз Жалолов Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари сайловчилари билан учрашди.

● Республика Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти томонидан тайёрланган "Хотин-қизлар энциклопедияси"нинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси саналар ўзгарганда (2000-йил муаммоси) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳаво бўшлиғида парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Баддий академияси

жамоаси Янги йил арча байрамига ажойиб хайрия тадбири белгилади. Унга Тошкентдаги Меҳрибонлик уйларидаги иқтидорли тарбияланувчилари тақлиф этилган.

● Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу йил 19 декабр куни 66 сайлов округида Олий Мажлис депутатлигига ўтказилган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, "Ўзбекнаво" ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимиз ижодкорлари орасида анъанавий "Офарин" танловини ташкил этишга қарор қилди.

● Хиндистондаги Бутунжаҳон болалар саънати кўмитасининг ҳар йили ўтказиладиган "Шанкар" халқор кўргазмасида ўзбекистонлик Ойбек Исмолов "Тўйбола" туркумидаги расмлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги олтин медалга сазовор бўлди.

● Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги республикада "Йилнинг энг яхши мактаби" анъанавий кўрик танловини якунлаб, Тошкентдаги 9-ўрта мактабни ана шу юксак номга сазовор деб топди.

● Вазирлар Маҳкамасида келгуси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

"Аёллар йили" муносабати билан республика тарихида биринчи марта "Хотин-қизлар энциклопедияси" нашр қилинди. Мазкур китобни хотин-қизларга "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти тухфа этди.

"Хотин-қизлар энциклопедияси" сизга дастуруламал бўладиган китоб. Негаки унда қиз боланинг дунёга келишидан бошлаб, уни тарбиялаб ўстириш, бағоят ёшга етгунга қадар ички ва ташқи дўшасида юз берадиган ўзгаришлар, қиз болани оила қуришга тайёрлаш, эр-хотинлик муносабатлари, рўзгор ташвишлари, оналик бахти, оиланинг ахлоқий-руҳий муҳити, муҳаббат ва вафонинг барқарорлиги масалалари ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, у-сининг бир умрлик ҳамроҳингиз!

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган парчадан кўриниб турганидек, китоб ўз ўқувчиси билан юзма-юз самимию ва дўстона суҳбат тариқасида ёзилган.

БАХТИ БЕКАМЛИК ҚОЙДАЛАРИ

Қиздир-йигитдир осмон никоҳи ерга тушиб, оила қуришга қарор қилганларида, ҳар бирлари ўз хаёлларида энг бахтли жуфт бўлишни орзу қилишади. Лекин орзунинг ўзи камлик қилишини балки ёшлиқлари туйфайлими ҳали тўлиқ англаб етишмайди.

Бахтибекамликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бормикан, деб сўрагувчилар бўлиши табиий. Бор, албатта.

Куйидаги "қўлбола" қоидаларга риоя этиб кўринг, бахтли бўлмасангиз-биз кафил!

Ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда бир-бирингизни "эговламанг" ҳам, "арраламанг" ҳам. Худонинг инояти билан эр хотинга, хотин эрга энг яқин кишилардир. Энг яқин кишилар бир-бирларининг "оғриқли нуқталарини" яхши билдилар. Табиийки, яқинларнинг кичик зарбаси ҳам очик ярага туз сепгандек таъсир қилади. Киши бошқалардан беғоналардан энг кучли зарбаларни ҳам кўтариши мумкин. Яқинининг арзимас озорини ҳам кўтара олмаслиги турган гап. Инсон табиати шундай.

Ўзингизни жуфтингиздан ақлдор билиб, синҳор буни намойиш этишга шошилиб, уни тарбиялашга киришманг. Буни эркакларнинг жини суймайди.

Кишилар ўртасидаги муносабатларда энг муҳими инсоннинг ўзлигини йўқотмаслигидир. Жуфтингизнинг ўзига ёққан, узоқ йиллар ўрганиш бўлиб қолган кўникма ва одатларини, агар улар атрофдагиларга зарар келтирмаса, ўзгартиришга мажбур этманг.

Бир-бирингизни, айниқса, бошқалар олдида танқид қилаверманг. Бу гап эркаклардан кўра, биз аёлларга тегиш-

лидир. Бир танқид натижаларига эътибор беринг: "Эрингизни беғоналар, танишлар, қариндошлар, болалар олдида танқид қилиб турасизми?", - деган саволга 31 фоиз аёлларгина эрларини умуман танқид қилмасликларини, 69 фоиз аёллар "ҳа" деб жавоб берганлар. Шунлардан 13 фоиз дуч келган жойда ва жуда тез-тез танқид қилишларини тан олганлар.

Оилада руҳий-ахлоқий маданиятни сақлаш, ҳатто ўринли танқидий фикрларни ҳам эру-хотин юзма-юз, гувоҳларсиз, айниқса, болалар кўз ўнгидан холи жойда қизишмай айтишни тақозо

қайтганда янаша кутиб олиш (ахир куни билан дийдор кўришмадик-а!), майлида кўнглини кўтариш учун ҳам "Яхши ҳам бахтимга сиз борсиз!" дейиш одат тусига кирганда эди, ишонинг, низола аллақачон оиладан баҳрам топиб кетарди. Эътибор-муҳаббатдир! Унинг энг аниқ ва мўлжалга тегадиган изҳоридир.

Инсон ҳамиша ўзига нисбатан эътибор талаб қиладиган дунёдаги энг нозик мавжудотдир. Ҳеч нарса қалбнинг иссиқ меҳр-муҳаббатини шу муҳаббат йўналиричиган кишига эътиборчалик аниқ етказа олмайди.

Айни пайтда эр-хотин муносабати-

СИЗГА ҲАМРОҲ

қилади. Қолаверса, бир томоннинг ҳадеб иккинчи томон кескин танқид қилавериши оиладаги руҳий мувозанатни бузади. Жуфтлар тобора бир-бирларини аямайдиغان бўлиб борадилар, аста-секин бир-бирларидан беғоналашиб, узоқлашадилар. Олимлар бундай ҳолатни оилани ҳозир портлаши мумкин бўлган порох бочкаси устида турган билан қиёслашади.

Бир-бирингизни қадрлашга ўрганинг. Фақат ўз жуфти олдида қадр топган инсонгина бошқалар олдида ҳам қадр топиши осон. "Эрга суюкли-элга суюкли", деб бежиз айтмаган халқимиз.

Бир-бирингизга эътиборли бўлинг. Ўз кузатувларингиздан "Барча оилавий низола асосида майда-чуйда ётади", деб аллақачон ҳулоса чиқариб қўйгансиз албатта. Тўғри ҳулоса. Лекин негадир эрталаб туришимизда бир-биримизга "Ассалому алайкум!" дейишни, ётар олдида хотиржамлик тилашни унутамиз. Ширин таом учун миннатдорчилик билдириш, эрни мулоийм ишга кузатиш, ишдан

даги эътиборсизликдан бўлак ҳеч нарса кишининг меҳрсизлигини, жуфтига нисбатан "соувуклигини" ёрқин ошкор ҳам эта олмайди. Буни унутмаслик керак.

Бир-бирингизга ширин сўз бўлинг. Бахт калити - тилда, деб бежиз айтилмаган.

Негадир айримлар ишларида одамлар билан жуда тарбия кўрган, маданиятли ва ширинсўз кишилар каби муомала қилсалар ҳам, уйга қайтган тезда ўзгариб қоладилар. Ўз жуфтларига кўпол муомала қиладилар, ақл ўргатишни яхши кўрадилар, инжиқ ва талабчан бўлиб қоладилар, буйруқ беришдан нарига ўтмайдилар. Ўзингизни бир имтиҳон қилиб кўринг-чи, сиз ўшандайлардан эмасисиз?

Бир-бирингиз билан кўпроқ мулоқот қилиб туринг. Ахир давримиз фан-техника тараққиёти даври бўлса, ахборот ҳар кимга радио ва телевидение орқали очиб қилиб турган бўлса, бундай мулоқотга зарурат борми, дерсиз.

Бўлганда қандоқ! Айниқса, сиз, бун-

га муҳтожлигингизни сезмаяпсизми? Келинг, очикчасига тан олайлик. Ишдан, жамоатдан, юмушлардан чарчаган пайтларингиз, дилингизга яқин кишингиз билан бир "ҳасратлашиб", "кўнгил ёзишиб" ўтиргингиз келади-а? Бу одам-жуфтингиз бўлса қандай яхши! Бу мулоқотдан (ҳоҳ бир чойнак аччиқ чой устида, хоҳ истироҳат боғида ёнма-ён суҳбатлашиб, хоҳ бирон қаҳвахонада фақат икковингиз ёлғиз) кўнглингиз тўлиб, яйраб кетаётганингизни сезмаяпсизми? Хижолат бўлманг. Қизарманг ҳам. Бу мулоқотлар оқибати яқинингиз-жуфтингизнинг яна ҳам яқинлашганини, қалбингизда энг эзгу тилақлар яралаётганини сезасиз. Ҳа, яқинингизнинг яқинлигини сезиш сизда ўзингизга нисбатан катта ишонч уйғотади, сиз унга ҳам керак эканлигингизни ҳис қиласиз, унга ўзингизни фидо қилишга ҳам тайёрлигингизни ҳис қиласиз. Бу туйғулар сизга нақадар керак! Ҳа, аёл киши ҳамиша оила уни қувватлантириб турувчи энг муқаддас булоқ эканини билиб туриши керак.

Фақат яхши нарсаларни эслаб қолинг. Яхши нарсани эслаб қолиш ёмон нарсани унутиб қолмади. Ноилдо, ёмонликнинг жароҳати чуқурроқ, изтироби кучлироқ, оқибат келади кайфият бузукроқ бўлади. Яхшилик бир қадам юргунча, ёмонлик ўн қадам босиб қўяди, деган гап ҳам рост. Лекин, ёмонликнинг яхшиликка нисбатан анча камлиги ҳам рост. Фақат яхшиликни қадрига ета билиш керак.

Ўз соғлигингиз ва яқинларингиз саломатлигини асранг. Хайрон бўлманг, шахсан менинг соғлигимнинг бошқалар нима дахли бор, деманг. Ўз соғлигингиз устида қайғуриш аввало яқинларингиз саломатлигини асраш демекдир. Сиз касал бўлиб қолсангиз аввало яқинларингизнинг хотиржамлиги йўқолади, ҳаёт мароми бузилади. Уларнинг саломатлиги ҳақида қайғурганингиз оилангиз, яқинларингиз фаровонлигини таъминлаганингиз эмасми?

Бир-бирларингизнинг ишларингиз билан қизиқиб туринг. Аввало эрини севган аёл эрини ишга суйиб кузатади. Бундай кузатишдан эр куни билан кўп яхши ишлар қилишга қодир бўлади. Ўша яхши ишларни бажариб келган эрининг ишлари билан мунтазам қизиқиб, суриштириб турсангиз, ишонинг, ўз гап ва ташвишларини, қувонч ва шодлиқларини бировларга кўтариб боришига ҳоҳат қолмайди.

Бу қоидаларни ҳар бир аёл ўзича яна давом эттириши мумкинлигига ишонган ҳолда шу ерда тўхтамайиз. Зеро ҳар бир аёлнинг сеҳри-чо меҳри қўр туяга юк бўлади деб бежиз айтишмаган. Уларнинг ҳаммасини ўз бахтибекамлигимизга қалқон қилишимиз ҳам, қурбон қилишимиз ҳам рост.

Раҳима ШОМАНСУРОВА



ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ҲОКИМИЯТДАН ЖАВОБ КЕЛДИ, БИРОҚ...

Тахририятимизга Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Чилонзор-12 мавзесининг 36-,37-уйлари ахлидан шикоят хати келди.

Мазмуни: Бу уйлар шу йил "тўла" таъмирдан чиқарилган бўлса-да, иситиш тармоқлари ҳануз исимаётганлигида эди.

Текшириш жараёнида шикоятда келтирилган "айблов"лар тасдиқланди. Ҳар иккала уйнинг иситиш ва сув таъминоти қувурлари алмаштирилган бўлса-да, тармоқларнинг иситиш қуввати деярли сезилмапти. Натижада, кўпчилик хонадон эгалари газ ёқиб ўтирибдилар. Уйлар ертўлалари очик, эшиклар ўрни тахта билан беркитилган...

Биз тахририят текшируви натижалари ва аҳолининг шикоят хатини туман комунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи О.А. Умарқуловга йўлладик.

Орадан кўп вақт ўтмай жавоб хати олинди. Унда ёзилишича, "...мазкур уйларнинг сув таъминоти ва иситиш тармоқлари қувурлари март-июн ойларида алмаштирилган. Бироқ, 36-,37-уйлар мавзенинг иссиқлик трассаси адоғида жойлашганлиги учун иссиқлик таъминотида узалишлар бўлмоқда. Ва-

зиятни ўнглаш учун "ТТК" трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси яқинда бу ерга қўшимча элеватор узели ўрнатди."

Ана энди юқориди тилга олинган шикоят хатларига сабаб бўлган мисолларга мурожаат қилайлик. Бир ойдириқ ўлкамизда қиш. 36-,37-уйларда яшовчи аҳолининг аксарияти нафақахўр ва ёш болалари оилалардан иборат. Бетон уйлар ташқаридаги совуқдан анча-мунча зах тортиб қолди. Иситиш тармоқлари кўнгилдагидек ишламаяпти. Шунинг учун ҳамки аҳоли, болалар ўртасида касалликка чалиниш ҳоллари рўй бermoқда. Иссиқлик трассасига қачон қўшимча элеватор узели ўрнатилди, қачон буғ босиб ётган ертўла таъмирланади? Хонадонлар қачон ва қай даражада исийди?

Биз ҳокимликдан олган жавоб хатимизда ана шу саволларга бир қатор аниқлик бўлишини кутган эдик.

Қўлимизда яна ўша манзил 36-уйдан иккинчи шикоят хати. 42-хонадонда яшовчи М. Ҳақимова ўн йилдан буён шу уйда яшаб келаётгани, ўтган давр ичида квартирасини уч марта қайта таъмир қилган, лекин иситиш

қувурлари исимаётганлиги учун хоналар захлаб кетганлиги ва қилган таъмири ҳам фойда бермаётганлигини ёзади. Лекин Муҳаббат Ҳақимованинг безовта қилган шугина эмас. Бундан бир йил муқаддам шу уйнинг 39-хонадонига хусусий қаҳвахона очилиб, унинг ёнида тилкелган қўшимча бинонинг томи биринчи қават баланглиги баробарида ёпилди. Натижада 1-қаватнинг айвонлари бузиб ташланди. "Қаҳвахона битиб, унинг томлари бизнинг деразамиз билан бараварлашиб қолди.

Ишга - тунги навбатчиликка борган кезларим уйда қолган икки қизимдан хавотирланаман. Бир йилдан буён ахвол шу. Эди унинг олд тарафида кабоб, тандир сомса пишади. Деразаларни очиб хоналарни шамоллатишнинг иложи йўқ. Қаҳвахонанинг йўқлигидан аҳоли хоналарини сувараклар босиб кетди. Тунлари қаҳвахонада кўйиллаган ёқимсиз мусиқалар, шовқин-суронлар тинчлик бермаяпти. Ваҳоланки, бу уйда менга ўшабу тунги навбатчиликда ишлайдиганлар кўп..." деб ёзади М. Ҳақимова. Биз хат изидан борган куни афсуски

қаҳвахона эгаси йўқ эди. 42-хонадонга кирдик: қаҳвахона қурилиши ва унинг томи битиши чоғида мослаштириш учун урилган ва бузилган бетон деворлар уй хуснини бузганлиги учун ҳам девор оралик (ёриқ)ларидан шомол ғувиллаб эсиб турибди. Терадан сизиб тушган сув томчилари хонадон жиҳозларини ишдан чиқарган.

Бу ҳолни кўриб ўйладик: қувурларни исимай ётгани бир хол. Аҳоли яшайдиган уй биқинида катта қаҳвахонага нима бор? Минг афсуски, жавоб хатида 36-уйнинг 39-хонадонига очилган ана шу қаҳвахона хусусида лом-ним дейилмаган. Ёки, ҳокимиятдагилар бу ҳолатдан беҳабарми? Қаҳвахонанинг уйга ёнма-ён қурилишига қимдир рухсат бергандир, ахир.

Нима бўлгандаим, биз ҳар иккала шикоят хати юзасидан Акмал Икромов туман ҳокимиятидаги мутасаддилардан рисоладагидек қайта жавоб кутамиз. Зеро, бу - аҳолининг, халқнинг талаби.

Фарида ТОҲИРОВА,
"Оила ва жамият" газетасининг махсус муҳбири

УНИ СЕВОЛМАГАНИМ УЧУН РАҲМИМ КЕЛАДИ

Хурматли тошкентлик синглим... Балки қалбингизга қулоқ тутганингиз маъқулдир. У киши сизни сиз севганчалик сева олдимиз? Сиз учун бунинг аҳамияти бўлмас керак. Бу муҳаббатингиз икковингизнинг ўртангизда сирлигича қолгани яхши. Зинҳор унинг оиласи бузилиб кетишига йўл қўйманг. Сизга ҳеч қандай айб қўя олмаган, чунки худди шу нарса ўзининг бошимдан ўтган. Шунинг учун дардингизни тушундим. Биласизми, турмуш қуриш арафасида бўлажак турмуш ўртоғинини севиб-севмаслигинг жудаёқ катта рол ўйнаган. Икковимизнинг ҳаётимиз қайсидадир жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Келинг, яхшиши ўз ҳаётимни бир бошдан гапириб бераюлай.

Ешим 27 да, 3 та фарзандим бор. Мен ҳам эрим билан совчилар орқали турмуш қурганмиз. Ҳаётимиз кўпи билан бир ойгина тинч бўлди десам ишонаверинг. Тўйимиз бўлгунча биз атиги бир марта учрашувга чиққанмиз. Уни яқинроқ билиб олишга қанчалик ҳаракат қилмай, қайнонамнинг жанжаллари туфайли бунинг фойдаси бўлмас эди. Иккинчи қўнғончим билан бир жойда ишлар эдик. Кетимдан ҳар хил бўлмағур гаплар тарқатар эди. Мен буларнинг бари туҳмат, ёлгонлигини исботлаганим билан ҳеч қим менга ишонмас эди. Ўзимга тўғри бўлганим учун буларга бошида унчалик парво қилмадим. Кейинчалик бунақанги бўҳтонлар бошим устида қора булутдек ёпирилиб, тўриси гангиб қолдим. Менинг турмушдан ажрашган олам бор. Қайнонам шуни юзимга солиб, "Уша оланг фоҳиша, сен ҳам ўшанинг туридансан. Уқишга, ишга деб кетиб қаерлардадир сангиб келсан", деб жанжал қилаверар эди. Шундай пайларда ҳеч қим ёнимни олмас эди. Аламимни йиғидан оллардим. Ишонамдан декрет отпускасига чиқиб қўтилдим, институтга гап эшитиш жонимга теккани учун бормай қўйдим. Эрим турмушимизга жуда бефарқ эдилар. Уйда нима гап-сўз бўлаётми, менинг ахлолим қанақа, оғирроқман ҳар ҳолда нималар егим келаяпти, шу нарсалар билан қизиқмас эдилар. Жанжал-тўполон вақтида ўзимни оқлаш учун бирикки сўз айтадиган бўлсам "гап қайтарганим" учун калтак ер эдим. Аразлаб уйга кетиб қўлсая, у ерда ҳам икки кундан ортиқ ўтира олмасдим, чунки онам ажрашган, онам учун бу қанчалик оғир

бўлишини ўйлаб индамай ўзим қайтиб келардим. "Ўзинг кетдинг ёр-ёр, ўзинг кетдинг ёр-ёр", деб қайнонам кўзимни очирмасди. Қизлик уйимда ўзига тўқ яшаганимиз учунми ёки бошқоронги бўлганим учунми у-бу нарса егим келиб, эримга айтсам, "очофат" деб ит кунини бошимга солишарди. Акам йўлга юрардилар, олиб келган тақсиз егуликлардан улушимни бериб турардилар. Йўғимда уйимни титқилаб шулардан бирини топиб олсалар "ўғритмоқ, энди бунақа йўлни топдингми?" деб қайнонам йиғлатгани йиғлатган эди.

Бундай жанжаллар оёвсимини четлаб ўтарди, чунки менинг бир қайнэгачим унинг акасининг хотини эди, хуллас қарши-қуда деган гап. Буни тушунсангиз керак. Эримга қанча тушунтирмай у барибир эшитишни хоҳламасди. "Хотинини гапига қулоқ солади деб масқара қилишларини хоҳламайман" дерди. Фарзандли бўлгач унга овуниб яшай бошладим. Жанжаллар кўпайса кўпайдики, ҳеч қанамаймасди. Иккинчи фарзандимни туғишимга 3-4 кун қолганда қайнонамнинг жавраши, қайнэгачимнинг минғир-минғирлари, эримнинг калтаги жонимдан ўтиб уйга кетиб қолдим. Туғруқхонага онамнинг уйдан кетдим. Оғирроқ бўлганлигим учун орқамдан эшитган қарғишларим тинчлик бермасди. Туғруқ қандай кечадди, нуқул шуни ўйлардим. Худога шукур туғруқ вақтида бу қарғишлар қор қилмасди. Хўрлигим келиб роса йиғладим. Қизим туғилгандан кейин эримни ишига барака кирди, топарман-туртарман бўлиб кетди. Мен бўлсам ҳамма нарсага бефарқ — худди кўйрочқдай яшар эдим. Кунда-кунора бўладиган пичинг-кесатиклар одатий ҳолга айланган, қайнонамдан бировга арз қилишининг фойдаси йўқ эди. Уларнинг шундай илмоклик гаплари борки, иззатлафнингизни поймол қилиб сочларингизни оқартириб юбориши турган гап. Энди улар

яхши еб-ичиб, яхши кийиниб юришимни қўролмай жанжал қилардилар. Биласизми, иккинчи хотин бўлиб яшайдиганларни қадри менчалик бўлмас керак. Еганингизни гапирингиз, кийганингизни гапирингиз, қулоғингиз тинч бўлмас — буни нимаси бахт. Эрим бўлса "еганинг олдинда, емаганинг кетингда, сенга яна нима керак", дейди. Бахт — бойликда деб ўйлашади, бу нотўғри фикр. Эрим эркак сифатида мени қизиқтирмайди, чунки кўнглимни ололмаган. Оч қорним — тинч қулоғим, деб ундан совуқлашиб кетишимга сабабчи бўлган. Унга ҳатто уйланишини таклиф қилдим. У эса буни хоҳламайди, чунки бошқа аёлни мени хоҳлаганчалик хоҳламас эмиш. Муҳаббат деган тушунчани у қандай тушундир — билмайман. Мен эса уни фақат болаларимнинг отаси бўлгани учунгина хурмат қиламан, уни севолмаганим учун унга раҳимим келади. Хотинига меҳрибон бўлмагандан кейин уни қайси жиҳатлари эримнинг севишим мумкин? Касал бўлиб ётиб қолсам қайнонамдан гап эшитганим учун мажбуран туриб кетаман. Атрофимда кўнглим учун ширин сўз айтадиган меҳрибоним йўқ. Жудаям хаёлпараст бўлиб қолганман. Нега дейсизми? Чунки мен ҳам сиз каби севиб қолдим. Бунга бир йилдан оширроқ вақт ўтди. Уни унутишга қанча уринмай ҳеч иложи бўлмапти. У эримнинг қадрдон дўсти, оилали инсон. Унинг овозини телефонда эшитсам юрагим орқиқиб кетади. У ҳақидаги гапларни эримдан эшитсам, яна кўпроқ эшитгим келаверади. Унинг хотинига нисбатан хурмати эримга галати туюлади, чунки ўзи кўрс бўлгани учун шундайдир. Менинг эса унинг хотинига ҳавасим келади. Эримнинг кўрелигига танбех бериб, сен билан яшаётган хотинингга раҳмат деб ҳазиллашибди. Эрим буни мендан сўраб, мен кўрсамми дейди. "Кимлигингизни



"Бу дарддан қутулиб бўлармикан?" - 48-сон

ТАҚДИРИМИЗ ЎХШАШ ЭКАН

Билмадим, тенгдошим деб атайми ёки синглим? Хатингизни ўқиб чиқиб, жавоб ёзишни лозим деб топдим. Чунки, сизнинг тақдирингиз менинг тақдиримга жудаям ўхшаб кетаркан.

Во ажаб! Ҳайратланмай сираям иложим йўқ. Фикрлашингиз, дунёқарашингиз айнан меникига ўхшаш. Биласизми, бизнинг мусулмончилиқда эрсиз аёлга бошқача назарда қарашибди, ваҳоланки, бошида эри бўла туриб, номаъқул ишлар қилиб, оиласига хиёнат қиладиган аёллар топилмайди дейсизми? "Мени ориятсиз аёл деб ўйламан"

дебсиз. Сизни сираям ориятсиз деб ўйлаётганим йўқ, бу фикрни ҳаёлимга ҳам келтирмайман. Чунки сизнинг ҳолатингизни ўз бошимдан кечирганман, аниқ тасаввурга ҳам эгаман. Фақат қалбингизга қулоқ солинг, гапларингизга қараганда севган кишингизни оиласини бузиш ниятингиз йўқ. Бу гапларингизга юз фоиз қўшилиман. Сиқилган вақтида ҳеч ёнимда бўлмайди дебсиз, севганингиздан кейин ҳаммасига чидашин-

ЭСЛАТМА: Турмушга чиққангиздан сўнг 3-4 ой яхши яшадик. Эрим мени севади. Еру кўкка ишолмасди. Лекин қайнонам... Бундан ғазаб-ланадиган бўлиб қолди. Охири эрим онасининг сўзига кириб, мени уриб-сўжа бошлади. Шундан сўнг уйимга кетдим. Эрим эса 15 йилга қамалиб кетди.

Тошкентлик синглингиз.

гизга тўғри келади. Ундан воз кечинг демайман, қандай қилиб жонингдан ҳам ортиқ севадиган кишингиздан воз кеча олмасиз ахир? Бутун умр севмаган кишинг билан яшайдан кўра, бир кун, бир соат бўлса-да, севган кишинг билан бирга бўлишни, сўхбатидан баҳра олишни афзал кўраман. Сизнинг мақолангизни такрор ва такрор ўқиб чиқдим, назаримда бу сатрларни мени кўндалик дафтаримдан қўчириб олгандайсиз.

ўша ўртоқларингиз ҳам билибдику, шунисиғаям шукр" дейман. Вазият тўғри келиб қолиб у-бу жойда бирга бўлиб қолсак, унинг менга кўрсатаётган илтифотлари менга жуда эриш туюлади. Унинг кўзларига шундай меҳр борки, кўзимни олиб қочганим билан барибир қараб юбораман. Унинг менга тикилиб қарашларидан жуда ноқулай аҳволга тушаман, бирон нарса сездириб қўйдиммикан, деб. Бу билан у мени севади, деб айтолмайман, лекин бефарқ эмаслиги кўзларидан билиниб туради. Мен эса уни қанчалик каттиқ севишимни тушунтириб беришга ожизман. Уйдаги жанжаллар оқибатида юрагим хаста, асабий бўлиб қолганман. Бир кун эрим билан машинада кетаётганимизда юрагим хурж қила бошлади. Эрим эса униқига кетаётган эди. Унинг уйига етиб борганимизда юрак дориси сўраб қўришини эримдан илтимос қилдим. Ишонасизми, шунга ўзининг ақли етмади. Шу пайт кўлида дори кўтариб у эшиги олдида пайдо бўлди. Эрим бўлса бу дорини қандай ичириш кераклигини сўраган эди, "наҳотки шуни ҳам билмасангиз, сувга етти томчи томизиб тез ичириб юбор", деб ўргата бошлади. Унинг шу гаплари бутун касалимни унуттириб юборди. Хуллас, шунга гаплар. Сизку уни севишингизни айтишга жазм қилиб айта олибсиз. Севган кишинг билан сўхбатлашиб ўтиришинг ўзи катта бахт. Мен эса бу нарсадан маҳрумман. У билан хаёлан сўхбатлашаману, лекин ўзига бундай мавзуда гапирингизга жазм қилмайман. Унинг хотинини хунук деб айтолмайман, лекин уни нисбатан чиройлиман деб айта оламан. Унинг менга бу қарашларига қандай маъно бор, билмайман. Сизни ўша севган кишингиз билан сўхбат қуриб ўтиришингизга жудаям ҳавасим келади. Менинг ҳам шу севгим туфайли ҳаётга бўлган қизиқишларим, ўлиб кетган ҳиссиётларим қайта уйғона бошлади. Илоийм бирон-бир гуноҳ қилиб қўйишдан Оллоҳ ўзи асрасин. Сизга эса фақат бахт тилайман. Ҳаётда ўз ўринингизни топиб кетишингизга, қайта турмуш қуриб бахтли бўлиб кетишингизга тилақдошман. Мен бунга ишонаманки, Худо хоҳласа бахтли бўлиб кетасиз. Сизни мактубингиз учун раҳмат, чунки мен ҳам сизга шу жавобни ёзиб анча енгил тортидим.

ЛАЙЛО

Тошкент

Наҳотки, мен бошимдан кечираётган нарсаларни ўзга бир аёл (ман танимайдиган, билмайдиган) ҳам бошидан кечираётган бўлса!

Турмушга чиқиш-чиқмаслиқни маслаҳат бера олмаман. Бир ўйлаб кўринг, ўз отаси меҳр қўймаган фарзандларингизга ўзга ота меҳр қўя олармики? Балки мен нотўғри ўйлаётгандирман? Сизга айтадиган гапларимнинг чеки йўқ, чунки тақдиримиз бир хил. Иложи бўлса, Сиз билан чин кўнглидан сўхбатлашишни хоҳлардим.

Сизга хурмат билан

ГУЛИ

Тошкент шаҳри

ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ-ОЛИЙЖАНОБЛИҚДИР

"Билмайин босдим тиконни" — 26-сон

ЭСЛАТМА: Ўн саккиз ёшга тўлганимда жаҳолатнинг қурбони бўлдим. Бир кун дугонам билан бирга йигитининг олдида боргандик. Ёнидаги дўсти мен билан танишди. Бир жойга бориш баҳонасида алдаб менинг номусимга тегди. Мен эса дунёдан кўнглим совиб, алам ўтида қоврилиб қолавердим.

Л.

Л. исмли 18 ёшли қиз бошидан ўтган воқеада ўз дугонаси ва ўзини алдаган йигитни ёмонлабди.

Синглим Л. нега сиз дугонангизни ва сизни алдаган йигитни нуқул ёмонлаясиз? Сиз ўзгаларни айблашдан аввал ўзингизга ташқаридан қаранг. Хатони аввал киши ўзидан қидириши керак, топилмаса бошқани айблаш мумкин. Мен айбдор деб фақат сизни кўраётман. Дугонангиз сизга мени учрашувим бор деса, сен ҳам юр деса, нега бир оғиз сўзини тағини ўйламай кетавердингиз? Дугонангиз йигити билан учрашар экан, унинг киши ортиқча эканини ўйламадингизми? — бу биринчи хатонингиз. Дугонангиз бегона

маст йигит ёнида сизни қолдириб ўзи кетибди, нега ўша ердан уйингизга қайтмадингиз — бу иккинчи хатонингиз. Йигит қўлимдан маҳкам ушлади дейсиз. Нима, қўлдан чиқиш мумкин эмасмики? Сизни бўйинингизга пичоқ тираб, мен билан борасан деб зўрламабди-ку. Ахир кўчада одамлар бор бўлишгандир? Қиз бола ё аёл киши қаттиқ турса, эркакнинг қўли етмайди. Сиз учун азиз бўлган ота-она обрўсини уйлабдасан, тағин севган йигитингиз бўла туриб, бегона, маст йигит билан нега кетавердингиз? Ақлга сиймайди. Фақат ўйлаш мумкин-ё сиз маст бўлгансиз ё ҳар хил йигитлар билан учрашиб юриб қўрмайдиган бўлиб қолгансиз, ўрганиб қолгансиз. Аёл бўла туриб

кўчада бирорта маст эркакка дуч келсак, ёнидан ўтмай иложи борица узоқдан юришга йўл қидирамизку, сиз бўлсангиз бирга бордим деб ёзибсиз. Сизни меҳнат, ораву-умидлар билан катта қилган ота-она хурмати қани. Яхши кўрган йигитингиз хурмати қани, ўзингизнинг хурматингиз қани? Ўз хурмати билан киши ўзгалар қадрига етади. Сиз ўзингизни қадрингизни билмайсизку, ўзгаларни тушунасизми? Бўлар иш бўлгандан кейин ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим дебсиз! Онангизга раҳмингиз келиб, онангизни шу вақтда эсладингизми? Турмуш қуришни хоҳлаб бир йилдан кейин яхши кўрган йигитингизни эсладингизми? Шуларни аввал эслаб ўйласангиз бўлмасмиди, хатога йўл қўймаган бўлардингиз. Айбдор сиз ўзингиз. Ифлос ботқоққа ўзингизни ўзингиз туширддингиз. Энди чиқаолмай ёрдам сўраясиз. Бир кунлик тўй кечасидан қандай чиқаман деб маслаҳат сўрабсиз. Сиз бир кунликни эмас, бир умрликни сўраган. Бўйдоқ пок йигитларимизни алдаб турмушга чиқишга ҳаққингиз йўқ. Ораву-умид билан ўғлини уйлантирмоқчи бўлган ота-оналар-

ни қарғишига қолманг. Мени сизга маслаҳатим шу, яхши кўрган йигитингизга ҳаммасини очик-ойдин гапириб бering. Қолгани йигитингизни гапига қараб бўлади. Кечириб, ўйланаман деса унга турмушга чиқинг. Ўзингиз ҳам, юзингиз ҳам ёруғ бўлиб енгил тортасиз. Ҳақиқатни айтиш ҳам олийжа-ноблиқдир.

Хурматли редакция, кўп ёзганим учун узр. Менинг икки ўғлим бор. Оллоҳга шукр. Ўғил болага майда гап ёзмайди. Икки оғиз сўзим уларга етарли. Қадимини ўйлаб бос, ишингни ўйлаб қил, оилам обрўсига доғ туширма, онангни шарманда қилиб ўлтирма, бошини эгма, қаддини букма, одамлар ўзингга ҳам, онаннга ҳам лаънат демасин, фақат раҳмат десин, дея ўғилларимга насихат қилганман.

Бир қизга етти қўшни ота-оналик қилади, дейди халқимиз. Шунинг учун қизларимиз мен фарзандимга айтган сўзларимга риоя қилсалар яхши бўлади, деб ўйламан.

И.Н.

Зангиота тумани

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОМЛАР

Синглимиз ХИКОЯТ!



Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Бахт ва омад ёр бўлсин.
Опаларинг—
Тиловат, Ибодат

Азизам ДИЛОРОМХОН!



Сизни таваллуд кунингиз билан қутлайман. Соғлик, хотиржамлик, бахту саодат тилаймиз.
Турмуш ўртоғингиз
Икромжон ва фарзандларингиз
Хонобод

Азиз отажонимиз Турсун САФАРОВ ва онажонимиз Маъсуда САФАРОВА!

Сизларни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Оллоҳдан узоқ умр, соғлик тилаб қоламиз. Бахтимизга омон бўлинглар.
Фарзандларингиз
Фарход, Насиба, Сардор

Қадрли онажонимиз Холисхон ЭРГАШЕВА!

Сизни таваллуд айёмингиз, 70 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз. Сизга Оллоҳдан тинчлик, хотиржамлик, соғлик ва узоқ умр тилаймиз.
Куёвингиз Содикжон, қизингиз Улмасхон ва набираларингиз

Синглимиз ВАСИЛАХОН!

27 ёшинг билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Орзу-ниятлар ҳаммиса ҳамроҳинг бўлсин. Бахтли бўлгин.
Опанг Валида, поччанг Саидқабар, жиянларинг Саидкамол ва Умидахон

ЗАРАФШОН ОСМОНИДА УЧАР ЛИКОПЧА

Биз яшаётган ҳаёт, бизни қамраб турган дунё ўзининг сирли жумбоқлари билан ҳали-ҳали инсониятни лол қолдириб келмоқда. 1999 йил 22 сентябр куни кеч оқшом соат 19 дан 31 дақиқа ўтганда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри осмонда номанъул учувчи жисм пайдо бўлиб ўзидан улкан ёруғлик таратган ҳолда 7 дақиқа учиб ўзини “кўз-кўз” қилгач, яна коинот уммонига гойиб бўлди. Бу ажойиб манзарани Зарафшон шаҳрининг 11-12-6-микрорайони ва аэропорт атрофидаги аҳоли кузатишга муваффақ бўлишди.

НУЖ ҳақида шов-шувлар кейинги пайтда анча тинчланиб қолган эди. Сабаби, улар аввалгидек тез-тез келишни, одамларни ваҳимага солишни бас қилишгандек кўринганди. Мана катта танаффусдан сўнг улар яна пайдо бўла бошлашди. Ликопчанинг Зарафшон осмонида пайдо бўлиши биринчи мартаба эмас, дейишди қариялар. Улар тез-тез келиб туришди, ўша учун ҳам бўлса керак бу мўъжаз шаҳар аҳолиси уларни ваҳима, кўркүк билан эмас зўр қизиқиш билан кузатади. Жуда кўпчиликни гувоҳлик беришича ҳатто 1988 йилнинг ёз ойларининг бирида Зарафшон шаҳрининг улкан бир учар ликопча қамраб олган, тунги дақиқалар бўлгани учун бу ҳолатни жуда кўпчилик кўркүк билан кузатган. Унинг улканлиги шу қадар катта бўлганки, шаҳар ер майдонидек осмонни эгаллаган. Бу воқеа ўша йилларда газета-журналларда катта шов-шувларга сабаб бўлган.

НУЖлар бизни кузатишмоқдами ёки руҳиятимизни синаб кўриш мақсадида бир кўриниб бир кўринмай синашмоқдами?

Зарафшонликлар НУЖлар билан учрашишга ёки мулоқотда бўлиш учун тайёр деса бўлди, чунки шу кунга кузатувда ҳеч ким ваҳимага тушгани йўқ. Демак, биз аста-секин уларга, уларни кўришга ўрганаёلمиз.

Дилшод Кўлдошев

ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!



Ҳар гал газета-мизнинг сўнги сонини тайёрлаш жараёнида арзи ҳол руқни остида берилган мақолаларга эътиборни қаратамиз. Кимга ёрдам бердигу, қанча дардли кўнгилларга малҳам бера олдик экан? - дея сарҳисоб қиламиз.

Бу йил ҳам энг кўп арзи ҳол, танқидий мақолаларни Қашқадаё вилояти бўйича махсус мухбиримиз И. Сатторов ёзган экан. Қўлимиздаги одамлардан келган миннатдорчилик мактувлари эса бунга далилдир.

Янги йил арафасида таваллуд топган, куйинчак, қалами ўткир ҳамкасбимизни қўшалоқ байрам билан чин қалбдан табриклаймиз.

Келгуси йилда унга соғлик, янги ижодий зафарлар, оиласига эса тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

“Оила ва жамият” газетаси ижодкорлари

ОИЛА — 550

Тошкентлик, ўрта махсус маълумотли, 36 - ёшли, келишган, турмушга чиқмаган, бир оёғи сал оқсайдиган ўзбек қизи- тошкентлик, 40-45 ёшдаги ўз уй-жойи бор йигит билан турмуш қуришни истайди.



БОЛАНГИЗДА КАМҚОНЛИКНИ СЕЗСАНГИЗ

Агар болангизда гемоглабин камайса, сизга темир тузларига бой, қон ҳосил бўлишини тезлаштирувчи махсулотларни кенг қўллашни тавсия этамиз. Бундай махсулотлар арзон ва кўп. Буларга қарам, редиска, шолғом, олхўри, нок, олма, гречка талқони, яшил нўхот қиради. Ушбу махсулотлар олти ойдан кейинги даврдаги болаларда ёшга мос ҳолдаги ҳажмда қўлланилади. Шунингдек творог, тухум саригида ҳам қон шакли элементларни ҳосил қилувчи моддалар мавжуд.

Анемияга мойиллик бўлганда ва унинг шаклларида овқатланиш тартибига риоя қилиш ҳам қон кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради.

ТУМОВ

Тумов кенг тарқалган касалликлардан бўлиб, асосан куз, қиш ва эрта баҳорда кузатилади. Бу даврда овқатланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Куздан бошлаб то баҳоргача шолғом истеъмол қилиш, шолғом шўрва ичиш, турп ейиш қадим замонлардан бери тавсия этилади.

Аввало, бемор кўрпа-ёстиқ қилиб, ётиб даволаниши шарт. Бемор ҳар икки соатда яримта пиёзни ёки ярим боғ кўк саримсоқ пиёзни майда тўраб, ярим коса қатиққа солиб, эзиб, аралаштириб, суви қочган бир бурда нон билан еб олиши керак. Шунингдек у тушлиқда ва кечкурун ҳўрда ёки мастава ичиши керак. Даволаниш даврида беморга қовурилган ва ёлти овқат, тухум, кадоб, сут ва ширинлик бериш мумкин эмас. Шакар қўшилмаган мева шарбати, сабзавот суви, қайнатилган ўрик суви ичиши мумкин.

Бемор алоҳида хонада ётиши шарт. Беморга қараб турувчи одам озгизга тўрт қаватли доқа тутқич тутган бўлиши ва ҳар сафар қўлини совунлаб ювиши керак. Унга чой ўрнида антоқ ёки наъматак дамлаб бериши мумкин. Бемор хонасида исириқ тутатган маъкул.

ХОНБИБИ тайёрлади

КЕНГ ДУНЁДА ЁЛГИЗМАН

21 ёшгача гам-ташвиш нималигини билмай ўсдим. Отам яхши ишда ишларди. Тўқис оиланинг ёлғиз фарзанди бўлганим боис жуда эрка эдим. Ота-онам барча айтганларимни муҳайё қилишарди.

Орзу-ҳавас билан яхшигина жойга узатишди. Лекин... 5 ойда қайтиб келдим. Кейинчалик ота-онамдан ҳам ажралиб қолдим. Ёлғизликдан қийналиб, эрим билан ярашгани борсам, жанозасининг устидан чиқдим.

Мени тушунадиган, уйланиб ажрашган 25-30 ёшлардаги йигит бўлса турмушга қичқардим.

Ж.З.
Тошкент

ЯХШИ ТУШЛАР КЎРИНГ АЗИЗИМ

-Яхши тушлар кўринг азизим! - Кечкурун уйку олди-дан бир-биримизга ана шундай ширин тилак билдирмоғимизга жуда улғу хосият бор экан.

Яхши-ёмон кунларимдан башорат қилган тушларимнинг қай бирини айтийин-а? Университетга ўқишга қираётганимда Тошкент шаҳрида яшайдиган кекса, бемор бувижонимнинг ёнлариди ўтириб, дарс тайёрлардим. Тонг отуғнача китоб ўқиганимда бувим ачинаиб, “Бироз мизгиб олсангчи, жон болам. Илоҳим ўқиганларингнинг бари тушларингга кирсин!” - дердилар. Ва кўпинча шундай бўларди. Ҳамма ўқиганларим тушимда кўз ўнгимдан ўтаверарди, ўтаверарди. Ва ёд бўлиб қоларди.

Адабиётдан иншо ёзиб, биринчи имтиҳонни топ-

ширғач, оғзакига тайёрланган эканман, тонгга яқин кўзим бироз илиниб қолди. Тушимда Тошкент шаҳрининг ҳозирги Ҳамид Олимжон майдонида катта йўл ёқасидаги улкан алвонга менинг исми-шарифим ёзилган эмишу ҳар иккала фандан аёло баҳо қўйилган эмиш. Уйғониб, севиниб кетдим. Тушим ўнгдан келишини яратгандан сўрайвердим. Лекин, бироз хавотирландим ҳам. Илоҳим тушимнинг теска-риси бўлмасин-да, деб қайғурдим. Кейин бувимдан дуо олиб, имтиҳонга кетдим. Қаранг-ки, ўқиганларимдан савол тушиб, аёло баҳо олдим. Ёзма ишимга ҳам аёло қўйилган экан. Ур-ре, тушим ўнгдан келди, деб аёло баҳолар ёзилган имтиҳон варақасини бағримга босиб, уйга шошилдим.

Кейинчалик турмушга чиққач, узоқ йиллар кўп қаватли баланд уйларида яшадик. Ва нукул бетоб бўлиб қолсам, тушимда кенг, чиройли ховлилик уй сотиб олган бўлардик. Қизил олмалари пишиб турарди. Ховли ўртасидаги ариқдан сувлар оқиб ётарди.

Бу ҳақда кимгадир айтсам, “тушида ховли, уй сотиб олган яхши эмас!” деб таърифлади. Мен эсам яхши тушимни яхшиликка йўявердим. Ховлилик уйни орзу қилавердим. Ва ниҳоят вақти-соати келиб, Тошкентдан узоқда бўлса-да, Фарғона вилоятида уйлар қуриб, ховлилик бўлардик. Боғлар яратдик. Шукр, қизил олмаларимиз мевага кирди. Сувлар шарқираб оқиб ётибди...

Лекин ёмон тушлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин, экан. Талабалик йилларим ироқи дўппи кийиб, сочимни иккита ўриб, орқага ташлаб юрардим.

Бир куни тушимда сочимнинг биттасини, аниқ эсламан, ўнг томондасини тағтугидан кимдир қирқиб олди. Кимлигини билмай лол бўлиб, ачиниб қолавердим. Ораддан ҳеч қанча вақт ўтмай, эндигина 37 ёшга тўлган онам кўзи ёришида қийналиб, вафот этди. Биз бўзлаб қолавердик.

Яқинда яна бир туш кўрдим. Пулларим, ойна ва қаламларим солинган ҳамёнимни йўқотиб қўйдим. Автобусда бораётиб ўзим тушиб қолибману, ҳамён кетаверибди. Ҳайрон бўлиб, автобуснинг изидан қараганча қолавердим.

Эрта билан туриб қарасам - ҳамён жойида, лекин дилим гаш тортиди. Қўлим ишга бормади қолди. Дунё кўзимга қоронғу. Тушимни сувга айтдим, барибир кўнглим ёришмади. Тушдан кейин эса Тошкентдан совуқ хабар кел-

ди. Қирқ тўрт ёшга тўлган навқирон укагинам Собиржондан айрилиб қолдим. У юрак хуружидан тўсатдан вафот этди.

Илоҳим, ҳеч кимнинг бошига солмасин бундай кунларни, йиғлаб-йиғлаб тушимни айтсам, укагинамининг умр йўлдоши Зулҳумор ҳам тушида тилло зирагини йўқотиб қўйганини айтди...

Ана мўъжиза, ана қаромат! Эҳ, қани энди фақат яхши тушлар кўраверсагун яхши кунлар бўлаверса? Қанийди? Бир-биримизга “яхши тушлар кўриб ётинг, азизим”, дея чиройлик тилак билдиришни, Худодан сўрашни унутиб қўймайлик, азизлар! Ҳар ҳолда “яхши ният - ярим давлат” дейдилар машойихлар.

Ҳар куни яхши тушлар кўринг, ватандошлар, юртимиз тинч, фаровон бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА

Ёшим 20 да. 19 ёшимгача биронта йигит билан гаплашмаганман. Тўғри, йигитлардан дўстларим бор эди. Аммо буй этга, истасанг истасанг, кимгадир қарашга, умр йўлдош ташлашга ҳаракат қиларкансан. Нимагадир мени туғилишимга отам жудаям норози эканлар (жойлари жаннатда бўлсин!). Онам ниҳоятда чиройли бўлган эканлар, шунинг учун кўп туғсанг чиройинг бузилиб қолади дерканлар. Оилада биз 6 та фарзандимиз. 3 қизу, 3 ўғил. Оилада энг кенжаси менман. Онам бизни ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараб олий маълумотли қилиб ўстирдилар. Онам, акамлар уйли-жойли бўлишган. Отам 1986 йилда вафот этганлар. Онам бизга ҳам оталик, ҳам оналик қилаптилар.

3 ёшимда уйимизни олдида КАМАЗ машинаси менинг ўнг оёғимни товондан пастки қисмини босиб кетди. Ушандан буён протезда юраман. Одамлар кўчада кўрса, қанийди мени ҳам шундай қизим ёки келиним бўлсаиди деб ҳавас қилади. Мақтанмиш эмас, ҳавас қилса арзигулик қиз-

ман. Хатто, баъзи дугоналарим ҳасад ҳам қилишади. Айтишадки-ку Худо бир томондан берса, бир томондан қисади, деб. Тўғри, бу кунимдан норози эмасман. Худога шукрлар қиламан. Юрсам умуман билинмайди. Барибир ўзингизни оёғингиздай бўлмайди.

Мен олий ўқув юртига кираман деб 3 йил Тошкентга қатнадим. Охири 4 йил деганда олий ўқув юртига кирдим. Тестни эртаси кун ийга кетиш учун автовокзалга бордим. Борсам билет йўқ экан ва шофёрлар билан гаплашиб автобуснинг олдидаги курсисига ўтириб келдим. Ҳар доим йўлга чиқсам газета ёки китоб олиб чиқардим. Ушанда ҳам кўлимда "Оила ва жамият" газетаси бор эди. Мени нариёғимдаги курсига икки бола келиб ўтирди. Уларни биттасини жойида ёши ўртақдаги одам ўтирган экан. Шунда улардан биттаси: "Туринг амаки, мен ўтирмасам бўлмайди. Мени бир оёғим протез, тикка турсам оёғим оғрийди" деб қолди. Шунда мен у болани кўриб шундай гавдали, яхшигина йигит экан деб ачиндим. У бола ўтиргандан кейин мендан ҳеч кўзини узмади. Чунки, у билан рўпара бўлиб ўтиргандик. Уртоғи билан бир нарса-лар деб гаплашиб, яна кўзини узмасди. Мен ноқулай аҳволга тушиб, уёқ-буёғим нотўғри тургандир деб тўғрилаган киши бўлдим ва унга бир-икки маротаба ёмон қараб қўйдим.

Узоқ йўлга чиққандан кейин ёнинг-дагилар билан гаплашаркансан. Ёнимдаги аёллар мени қаерданлигимни сориштиришиб, танишиб ҳам олдик. Нам Тошкентда ўқишини айтдим. Уни ўртоғи акам билан битта институтда ўқишини, хатто акамни танишини ҳам айтди. Кейин у бола мендан газетани сўради ва мен унга бердим.

Собирни ёнимдаги одам 5-6 соатдан кейин тушиб қолди ва у мени ёнига ўтиришга таклиф қилди. Мен йўқ дедим. Қийнаиб ўтирганимни кўриб ёнимдаги аёллар бориб ўтиришимни қистади. Кейин бориб ўтирдим. У мени саволларга кўмиб ташлади. Индамай газетамни ўқиб ўтирдим. У бўлса, "гунг-мисиз десам, боя гапирётгандингиз, нимага энди гапирмайсиз, гапиринг", деб қолди. Шунда мен "умуман йигитларга гапиришни хохламайман", дедим ва жим ўтиравердим. Ярим соатлар гапиринг деб қўймагандан кейин гапирдим ва у мендан нима учун йигитларни ёқтирмаглигини сўради. Индамадим...

Кейин у менга бирдан анча йиллардан буён ахтариб юрган қизни топганини, уни идеалидаги қиз эканлигини, шунинг учун кўзини узолмай қолганлигини айтди. Мен бунга парво қилмадим. Чунки, бунча гапларни кўп эшитардим. Йўлга чиқсам, ҳар доим биронта бола яхши кўриб қоларди. Буям шулардан биттаси деб ўйладим.

Шунда мен унга "ҳозир бир нарсани айтсам, бу гапларни айтганлигингизга пушаймон бўласиз", дедим. У бўлса "биламан, боя овқатланишга тушганда буни сездим", деди. Мендан нима қилганлигини сўради. Мен унга бошимдан ўтганларимни айтиб бердим. Бирдан у хурсанд бўлиб, мен ҳам сизни тенгингизман деб қолди. Шу пайт қай ҳолга тушганимни Худо билади. 5 минутлардан кўп жим бўлиб қолдим. "Биламан. Сиз ҳам мендан юз ўтирдингиз, аввал бир қизга айтганимда шундай бўлганди. Сиз чиройли қизсизда барибир. Сиз мени писанд қилармидингиз?", - деди у.

Жим бўлганимни сабаби, ҳар доим менга яхши, соппа-соғ болалар гапирди юрарди. Ўзимни тенгим чикса, қай ҳолга тушаман деб юрардим. Ҳеч бу нарсани кутмагандим.

Кейин мен ундан нима бўлганлигини сўрадим. 9-синфда ўқиб юрган-да бир қизни деб болалар билан уришди, электр аррада оёғини кесиб ташлаганлигини айтди. Энди бахтимни топганимда сиз ҳам қарамайсиз деди. Кейин биз яхши танишиб олдик. У мендан адресини олиб уйдагилар билан гаплашиб совчи юборишини айтди.

Кейин мен манзилимга етиб келиб, тушиб қолдим. Ўқишга кирибман, хурсанд бўлиб

Тошкентга йўл олдим. Ижарада турдим. Акам ўқишга киргандан кейин бир кунни хонасига бордим. У бола акам билан ёнма-ён ётоқхонада тураркан. 3-4 марта ётоқхона олдида кўргандим. Лекин, бир оғиз ҳам гапирмадим. Ўзимни курсатмадим. У мени бу ерга келганимни биларкану, акамдан уялиб келолмай юрган экан. Кейин айтиб берди. Юрса оёғи умуман билинмас экан. Бир кунни шамоллаб 2 кун ётиб қолдим. 3-кун туриб хоналарни йиғштирай деб деразани очсам, ўша бола иккита оёғини ўйнатиб ўтирибди. Ўзимни билмай ўтириб қолдим. Кўзларимга бу дунё қоронғу бўлиб кетди. Наҳотки алдаган бўлса? Оёғи бўлатуриб нима мажбур қилди уни йўқ дейишга, деб ўйладим. Шу пайт акамни хонадоши келиб, "Ҳа Шохиста, мазангиз қочдимиз? Дўхтир қақирайликми?" - деб қолди. "Йўқ, ҳеч нарса керакмас", - дедим ва ундан "ўша болани танийсизми", дедим. "Ҳа, танийман. У сизлар томондан", - деб қолди. Оёғини сўрадим. "Оёғи соппа-соғ", - деди ва мендан "тинчликми", - деб сўради. Мен: "Ўша болани қақиринг, гапим бор. Мени танишим бўлади", - дедим. Қақиринг дейману, яна йўқ, керакмас дедим. Охири ўзим деразадан туриб қақирдим. У бирдан бизни деразага қаради. Мен унга мушт кўтариб кириб кетдим.

Бир бола келиб Собир сизни пастда кутиб турибди, деб айтди. Мен унга йўқ деб жавоб бердим.

Бир оздан кейин ўзи чиқиб келди. Хонага кирди. Нима учун алдаганлигини, келиб-келиб мендай қизни дилини оритганимни сўради. У эса жим турарди. Анча гаплар гапирдим. Кейин у: "Агар мен алдамасам сиз гапирмасдингиз, мен сизни яхши кўриб қолганман.

Уйдагиларимга айтдим. Улар сен яшайсан у билан, ўзинг биласан, - дейишди. Сиз меники бўласиз, - деб бир қанча яхши гаплардан гапирди. Мен эса унга: Тенг-тенги билан деб қўйибди. Мен сизни тенгингиз эмасман. Бир кун келиб ўзимга солсангиз мен ўша кунни ўлган бўлиб ҳисобланаман, шунинг учун кетинг, лекин бир умр мен сизни кечиролмайман, сиз мени бир кўриб алдингиз, бундан кейин ҳам алдайсиз", - дедим. У кечга яқин келаман деб кетди. Кечки пайт келиб: "Эртага пахтага кетаяпмиз. Шунинг учун ўйлаб кўринг. Мен сизни ҳеч қачон таъна-маломат қилмайман. Фақат рози бўлсангиз бўлгани", - деди. Анча гаплашдик, кейин у кетди.

Севги деганлари шунчалик ноёб туйғуки, Худо кар, кўр, ногиронми - ким бўлишдан қатъий назар хар бир

кишини юра-га қоларкан. Мен хар доим ўзимга-ўзим ўқишга кирсам, биронта ўзимга ўхшагани бўлса гаплашаман, дердим. Кўчада йигит билан қизни кўрсам ҳавас қилардим. Мен ҳам шулардай юрсам, дердим. Ҳаммасига сабр қилардим.

Кейин у пахтадан келди. У ёғимдан ўтиб, бу ёғимдан ўтиб мени кўндирди. Мен ҳам сирдан ўқиб, ҳам ишлардим. У эса кечки пайт мени ишдан олиб келарди.

Ўқиш туғандаям ўқишдан олиб келарди. Шундай совуқлардаям кутиб ўтирардим. Лекин, ҳеч ким билмасди. Кейинчалик мени яқинларим билгандан кейин улар бизга ҳавас қилишарди.

Узукка кўз қўйгандайсизлар, дерди. У чиройли бола эди. Бир хил қизлар ҳасад қилишарди. Наҳотки оёғи йўқ бир қизни шундай бола яхши кўрса, - дерди. У менга шеърлар ёзарди, шеърлар айтарди. Нима бўлди-ю, Наврўзга уйга кетсам, бир қиз билан кинога кирибди. У қиз

биз билан бир ётоқхонада турарди. Мендан кичкина эди. Синглим деб юрардим. Бошқа қиз билан кирса ҳам ҳеч нарса демасдим. Чунки у қиз хар кунни хонамга келиб, опа у бола ундай деди, бу бола бундай қилди, деб йиғлаб келарди.

Собир билан ҳеч нарса билмагандай гаплашиб анчадан кейин сўрадим. У эса "тўғри, кинога кирдим", - деди. "Агар мени десангиз, у билан гаплашманг. Ўйлаб иш қилинг", - дедим. Бир ҳафтала индамадим, фақат оғоҳлатириб, охири яхшилик билан тугамаслигини айтдим. Мен ишга кетсам, кундуз кунлари у билан гаплашаркан. Охири бир кун мен унга: "Қўйинг Собир, биз бир-биримизга тўғри келмаймиз. Энди ажрашайлик, ўзингизга муносибни топдингиз, мен ҳам бир кунни тенгимни топарман, бошида йўқ деганимда қўймагандингиз, мен ҳам дугоналаримга ҳавас қилиб, шу ишларни қилиб қўйдим. Аслида гаплашмаслигим керак эди. Энди бугундан бошлаб гаплашмайми", - дедим.

У бўлса қулиб: "Жоним, ҳазиллаш-япсанми ёки мени синаяпсанми", - деди. Метрода келаяпмиз ҳам "ҳазиллашма", дейди. Ушанда роса мени си-

наган экан. Бир кунни ўзи "Шохиста мен сенга тан бердим, синонимдан ўтдин", деди. Мен уни синовларини хатто сезмаганман ҳам.

Метрода келаяпмиз "туш, мени сенга гапим бор. Ўзингни босиб олгин" деб роса ялинди. Мен ўша пайт тўнимни тескари кийиб олгандим.

Онам хар доим: "Қўзим, ўзингга яраша хуснинг бор, оёғинг юрсанг билинмайди, болалар юр деса юрмагин, болалар эрмак учун ҳам юради", - дердилар. Мен эса онамни гапига қулоқ солмадим.

Ётоқхона олдида келганимизда сумкамни олиб қўйди. Беринг десам, бермайди. "Шохиста, ташлаб кетма, сенсан мени бахтим. Болаларни олдида нима деган одамман. Тириклайин ўлдириб кетаяпсан-ку", - деб шунчалар ялинди. Бошқа қиз бўлганда эриб кетарди. Эскилар билиб айтишган экан.

Тенг-тенги билан деб. Минг пушаймон бўлдим гаплашганимга. Энди фойдасиз эди.

Лифтгача келди, "Шохиста қайт бу йўлингдан. Халиям кеч эмас..." деб ялинди. Лекин энди мен хохламасдим у билан гаплашшини. Чунки у менга хиёнат қилганди. Уни ширин қаларига, шеърларига, совуқларда кутишларига қаттиқ ишонибман. Кўрмасам майли эди. Кўз олдимда шу ишларни қилди. Ярим соат ўтар-ўтмас яна хонамга қайтиб келди. "Шохиста эшигидан келдим, ҳайдамагин", - деди. Кўзларини, ишонасизми, ёш келди. "Йўқ Собир, ўша билан бахтли бўлинг. Мен сизни ҳеч қачон унутмайман. Сиз менга севи деган нарсани ўргатдингиз, лекин бу нарсани сизданам, нонимни ёб тузлгимга тўлпурган қизданам кутмагандим. Энди эса хайр", - деб эшикни ёпиб олдим.

Собир кет демасдан олдин у қиз билан гаплашиб: "Қайтгин бу йўлингдан, бир кунни келиб пушаймон ейсан. У менга вафо қилмади, бир жойдан бўлиб, сенга вафо қилармиди", - деб бир-икки марта қайтардим, лекин у қайтмади.

Нима учун шундай бўлганлигини билардим. Собир мендан бир-икки нарса талаб қилганди. У айтган ишни мен хохламасдим. У қиз эса ўша нарсаларни яхши кўрарди. Бир кун келиб бу қиз севгилимни тортиб олиб қўйди деб ўйламабман. У бизни ўрта-миздаги хатларни олиб келиб турарди. Кўриб, била туриб шу ишни қилди, ҳали ҳанузгача нима учун шундай қилганига, Собирни нима учун шундай йўл тутганига ҳайронлик? Қисқа вақт иккита одам шунчалик ўзгарар экан-да, ё менда қасди бормикан?

Нимага одамлар севишганлар орасига қўшилишди? Бундан улар қандай наф кўради? Бу савол ҳам мени қийнади. Хатто уни деб Тошкентдаги ишимни ташлаб келдим. Энди бир нарсани аниқ билдим. Қиз бола биринчи бўлиб ташлаб кетса, бундан ёмон нарса йўқ экан.

У мендан бир ёшгина катта эди. Беш ой гаплашиб юрдик. Шундаям яширинча эди. Ҳозир унутишга ҳаракат қиламан. Лекин, ўзим ҳам сезмаган ҳолда кўчадаги одамларнинг кўринишидан ҳам, хаттоки атир хидларидан ҳам унга ўхшаш томонларни қидиравераман...


Балки мен шу ишни тўғри қилгандирман, балки нотўғридир. Мени сўраганлар кўп. Хатто, ўзимдан 2-3 ёш кичик болалар мени "оламан", деб юришибди. Мен қандай йўл тутсам тўғри бўлади? Ҳеч қандай бола билан гаплашгим келмайди.

Сабрдан ўзга иложим йўқ. Соппа-соғ болага тегсам яхшими ёки тенгимгани...

Мендан маслаҳатларингизни дарф тутманглар деб

ШОХИСТА

Денов тумани



"МУШТУМ" ВА "АФАНДИ" МЕҲМОНИМИЗ!

Саъдулла ҲАКИМ

АФАНДИ

Бир шоир бўлар эди,
Тарвуздек қорин кўйган,
Афанди кўриб деди:
Бу сўзни кўп еб тўйган.
Бир шоир бўлар эди,
Рангпар, ҳаётдан толган.
Афанди кўриб деди:
- Бунга сўз етмай қолган.

Дарвоқе, шоир сероб
Езар кеча-кундузи.
Сўз кўпу қанчасининг
Йўқ биргина ўз сўзи.

Чиндан сўз етмай қолса
Роса қойил бўларди.
Ҳар шоир ўз сўзини
Топса шоир бўларди!

ЎРМОНЧИЛАР

Ўрмончилар ҳақида
Ҳангомага бу бир гап,
Кўрган-эшитган ҳайрон:
Ўрмончилар нетдилар?
Эгри-бугри қайрағоч
Соясида соялаб,
Тўғри ўсган теракни
Шартта кесиб кетдилар.

ДАРЁНИНГ ИККИ ЮЗИ

Инсон бир, аммо сўзи бошқа-бошқа
Фейли-ю, қошу кўзи бошқа-бошқа.
Кўш қирғоқ бир дарёдан сув ичса ҳам
Дарёнинг икки юзи бошқа-бошқа!

ГАРЧИ

Гарчи овозангиз тутмиш самони,
Гарчи биз сувоқнинг сариқ сомони,
Кўйманг ўзингизга бунчалар бино,
Мўридан иборат эмасдир бино!

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

"Ҳамманинг юлдузи осмонда бўлса, мени
ки коньяк шишасининг елкасида"
(Маст кишининг гапи)

"Менинг сўз бойлигим биров билан уриш-
ганда намоён бўлади".
(Сўкнғич кишининг гапи)

"Ҳасратидан чанг чиқаётган бўлса пилесос
сотиб олсин".
(Оқбилак келинининг гапи)

АЗИЗ КУЛГУ МУҲЛИСЛАРИ, ҚАҲҚАҲА ШАЙДОЛАРИ!

Йил ўн икки ой хонадонингиздан кулги ва та-
бассум аримаслигини истайсизми. Унда марҳамат:
истагингизни "Муштум" журнали ва республика-
мизда ягона латифалар газетаси бўлмиш "Афанди"
рўёбга чиқаради. Бугун улар бизнинг меҳмонимиз.

Ҳар иккисининг ҳам саҳифасида эълон қилина-
ётган ҳавжия, латифа, аския ва хангомалар, юмор-
га бой карикатуралар кайфиятингизни чоғ қилиб,
дилингизни хушнуд этиши табиий. Эеро, "Муш-
тум" ва "Афанди" - узоқ умр гарови! Агар уларга обуна
бўлсангиз ютқазмайсиз, ютасиз.

Нашрлар индекси:

"Муштум" якка тартибда - 842, ташкилотлар - 843
"Афанди" якка тартибда - 590, ташкилотлар - 591



Изоҳга ҳоҷат йўқ...

ЖАҲЖИ САБОҚЛАР

Катта курсида савлат тўкиб ўтирганда, сени улғайтир-
ган кичик курсини тепиб юборма. Яна керак бўлиб қоли-
ши мумкин.

- Бошлиққа хабар қил, қутқарсин! - дебди қопқонга туш-
ган каламуш шеригига.

- Нима, бошлиқни ҳам туширмоқчимисан? Ўзинг тушдин-
гми, ўзинг қутил, ғаламис, - дебди шериги.

Нукул ўзини ўйлайдиган одам, тухум ичида очилмай қол-
ган "жўжа"га ўхшайди.

Ҳасадгўйнинг вазифаси ҳам, мақсади ҳам - битта!

Ишонсизликдан шубҳа туғилади. Шубҳадан - хато! Ха-
тони тузатгунча умр ўтиб кетади.

Одамнинг тушуниб бўлмас даражада одамлиги шунда-
ки, қилма деган ишни албатта қилади.

Манфаат қулига айланган одамнинг касал бузоқдан нима
фарқи бор?

Ҳаёт экан, гоҳ шернинг, гоҳ итнинг, гоҳида эса эшакнинг
хизматини қилишга тўғри келади.

Хотин мудом орзу қилади. Эр ана шу орзуларни амалга
ошираман, деб адоий тамом бўлади.

Ашурали ЖўРАЕВ

ГРУЗИН ЛАТИФАЛАРИ

Имтиҳонда грузиндан сўраб-
ди:

- Дарвинни биласанми?
- "Грузвино"ни биламан,
"Дагвино"ни биламан, лекин
"Дарвино"ни билмас эканман.

Йирик бизнесменнинг хо-
тини эрига дебди:

- Гиви, охирги йиртиқ қо-
стыюмингни кеча ахлатга таш-
лаб юбордим.

- Жинни бўлибсан! Ахир
энди солиқ инспекциясига
нима кийиб бораман?

Икки грузин учрашиб
қолибди.

- Кеча десанг, кетаётиб,

- дебди бири иккинчисига.
- Қарасам бир қурбақа йиғлаб
ўтирибди. Раҳмим келди.
Ўзим билан олволдим. Ишо-
насанми, йўқми?

- Албатта, ишонаман.

- Ичириб, едиргандан сўнг
ўзим билан олиб ётдим. Эр-
талаб уйгонсам, қурбақанинг
ўрнида соҳибжамол қиз ётиб-
ди. Ишонсанми, йўқми?

- Албатта, ишонаман, ишо-
наман.

- Хотиним келиб қолди, ле-
кин ишонмаяпти!

А. ЖўРАЕВ таржимаси

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАНДАЙ ҚУТИБ ОЛАДИЛАР? КИМ? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Янги йил Шарқдан кириб
келади. Лекин уни илк бор
қаерда қутиб олишларини
биласизми?

Дунёда Янги йилни би-
ринчи бўлиб Тинч океанида-
ги Фиджи архипеллагида
яшовчи халқлар қаршилай-
ди. Сўнгра Янги йил Япо-
нияда одатдагидек тунда
эмас, балки тонгда қуёш чи-
қиши билан қутиб олинади.

Шаҳар ва қишлоқлардаги
ибодатхоналарда 108 марта
бонг урилади. Чунки японлар
100 ва 8 рақамларини бахт-
ли сонлар ҳисоблашади.

Япон аёллари Янги йил
дастурхонига аънавий таом-
лар тайёрлашади. Оилада
тўкинчилик рамзи сифатида
гуручли печенье, узоқ яшаш-
ни орзу қилиб эса ингичка ма-
карон пиширилади. Нўхотли
таом сихат-саломатлик, зого-
ра балиқдан егулик эса куч-
қудрат рамзи ҳисобланади.

Кубаликларнинг одатига
кўра янги йилда ҳаёт ширин
ўтсин дея 31 декабр куни тун-
ги 12 да соатнинг ҳар бир
занг уришида бир ғужумдан
узум тановул қилишади.

Италянларнинг ажойиб
бир одати бор. Янги йил
кечаси одамлар ўз уйдан
нокерак уй жиҳозларини -
дарз кетган идиш-товоқлар-
у, синган стол-стулларни, хул-
лас, барча эски-тускини
ҳовли ёки кўчага улоқтира-
ди. Шундай қилингандагина
янги йил хонадонга бахт кел-
тиради, деб ўйлашади.

Инглизлар янги йилни
одатда тантана билан нишон-
лашмайди. Биров-бировни
Янги йил окшомига таклиф

ҳам этмайди. Лекин таомил-
га кўра, ҳар бир киши Янги
йил окшоми истаган хона-
донга бетақаллуф кириб
байрамни нишонлайверади.
Мезбонлар ҳам бундай ки-
шиларни икки қўли кўкси-
да қутиб олишади.

Қадимий одатга кўра, меҳ-
мон ўзи билан ҳеч бўлмаса
данақдек кўмир келтиришни
унутмаслиги кифоя. Меҳмон
кўмирни мезбон хонадонин-
инг ўчоғига ташлайди. Бун-
дан қилинган тилак шукки: "Бу
хонадоннинг кўри ҳеч қачон
сўнмасин!"

Венгерлар Янги йил куни
фақат бахт-саодат ҳақида
ўйлашади. Бу ерда ғалати
одат бор: қишлоқларда оила
бошлиғи уйига бир қучоқ па-
хол олиб қиради. Уй бекаси:
"Нима олиб келдингиз?" -
деб сўрайди.

Эр: "Тинчлик, бахт-саодат,
саломатлик олиб келдим" -
дея жавоб қайтаради. Шун-
дан сўнг уй ичига пахол со-
чиб чиқилади.

Тўпловчи:
Лола АҲМЕДОВА

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар,
воқеалар, маълумотлар учун муалли-
ф жавобгар ҳисобланади.
Муаллиф фикри тахририят
нуктаи назаридан фарқ қилиши
мумкин.

Кўлэмалар таҳлил қилинмайди
ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 1.15

ХОМИИ «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
47 877 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ,
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.